



## **Тобе Компонентли Қиёсий Қурилмаларнинг Структур Хусусиятлари**

*Ибаев Анвар*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил тадқиқотчиси*

*Аннотация:* Мазкур мақолада синтактик деривация тамойиллари ҳамда тобе компонентли мураккаб синтактик қурилмаларнинг деривацион хусусиятлари ёритилган. Хусусан, уларда операнд ҳамда операторларнинг мавқеи ва ҳосила қурилмаларнинг шаклланиши жараёни тўғрисида мулоҳаза юритилган.

*Калит сўзлар:* Оператор, операнд, дериват, мураккаб синтактик қурилмалар, содда гап, боғловчилар.

Маълумки, мураккаб синтактик қурилмаларни тилшунослар мустақил синтактик бирлик сифатида талқин қилишади ва уларнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатишади:

1. МСҚлар содда гапта ифода этиб бўлмайдиган бирта умумий ёки бир нечта фикр ифодасини беради;
2. Унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар ўзига хосдир ҳамда ҳоким ва тобелик муносабатнинг ифодаланиши билан характерлидир;
3. Тобе компонентли МСҚларнинг қисмлари ўртасидаги боғланиш бир томонлама, икки томонлама ёки ўзаро мувозанатлашган хусусиятга эга;
4. МСҚ компонентлари ўртасидаги боғланиш воситалари сифатида боғловчилар ва корреляторлар (боғловчи ўрнидаги бошқа воситалар)ни қайд этиш мумкин;
5. МСҚ компонентлари турли хил ўзига хос композицион хусусиятларга эга. Мазкур хусусиятлар уларни бошқа синтактик birlikлар билан формал-функционал жиҳатдан қиёслаганда яққол кўзга ташланади.
6. Тобе компонентли МСҚлар ёпиқ структуралиги билан ажралиб туради. Масалан, икки компонентли тобе муносабатли МСҚлар таркибига яна бир ёки бир нечта предикатив birlikларнинг қўшилиши мазкур тобе компонентли МСҚни тенг муносабатли МСҚга ёки макроматнга айлантириши мумкин.
7. Тобе компонентли МСҚларни тенг компонентли МСҚлардан яна бир фаркли жиҳати шундаки, уларда параллел муносабатнинг кузатилмаслигидадир<sup>1</sup>.
8. Деривацион нуктаи назардан, тобе компонентли МСҚларда биз тенг компонентли МСҚлардан фаркли ўлароқ, дубльоператор ҳамда полиоператорлик хусусиятларни кузатамиз.

<sup>1</sup>. Қаранг: Зиброва Н.В. Сложноподчинённые предложения в аспекте понятия синтаксического поля. Автореф. канд.дис. – Елец.2008. – С.8-9.



9. Тобе компонентли МСҚларнинг операндлари ўртасида функционал тенглик кузатилмайди.

Дарҳақиқат, тобе компонентли МСҚлар бир бутун ягона синтактик бирликни ташкил қилади. Деривацион аспектда таҳлил қиладиган бўлсак ҳам битта дериват сифатида олиб қараймиз:

1. *Шу пайт гурс-гурс оёқ товушлари эшитилиб, олдин саройбон, унинг орқасидан овларда кабобпазлик қиладиган бақалоқ баковул кўринди (О.Ёқубов. Улугбек хазинаси).*
2. *Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузи тик келганда гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетдим (Ғ.Ғулом. Менинг ўғригна болам).*
3. *Having applied diligence and patience to the matter, Tom soon acquired the necessary skill and walked down the street even faster (Mark Twain. The Adventure of Tom Sawyer).*
4. *When she saw the condition of his suit, her determination to replace his Saturday rest with hard labor became harder than granite (Mark Twain. The Adventure of Tom Sawyer).*

МСҚ таркибидаги компонентлар тайёр ҳолдаги дериватни тақозо этади. Буни МСҚнинг деривацион жараёнини БИ (бевосита иштирокчилар) гуруҳига ажратиб, шажара усулида кўриб чиқсак, яққол кўзга ташланади:

*1.Пўлат қопланган залворли эшик аста гичирлаб очилгач, қоронғи бўшлиқ кўринди (О.Ёқубов. Улугбек хазинаси).*

МСҚ нинг куйида келтирилган синтезли формуласига назар ташласак, синтагматик қаторда бирлашган парадигмалар деривация операндлари системасини ташкил қилаётганлигини, улар эса, ўз навбатида, МСҚ шаклидаги дериват системасини ҳосил қилганлигини гувоҳи бўламиз:

$$N_1 + V_1 = GV_2$$

$$d_1 + N_2 = GN_3$$

$$GV_2 + GN_3 = GN_1$$

$$d_2 + d_3 + V_2 = GV_1$$

$$d_4 + N_3 = GN_2$$

$$GN_1 + GV_1 = P_1 \text{ (операнд)}$$

$$GN_2 + V_3 = P_2 \text{ (операнд)}$$

$$P_1 + P_2 = D \text{ (дериват)}$$

Кўринадики, энг охирги босқичда катта система, дериват ҳосил бўлмоқда. Умуман олганда, МСҚ системаси тўғридан-тўғри сўз шаклларида йиғилмайди, балки кетма-кет, иерархик равишда қурилади: унинг қисмлари оддий, "қурилиш" блокларига бирлаштирилган, катта блоклар ушбу блоклардан бутун ҳосила битта блок сифатида тақдим этилгунга қадар қурилган<sup>2</sup>.

*When Eva opened the window, the room was filled with the scent of magnolia (Harriet Beecher Stowe. Uncle Tom's Cabin).*

Келтирилган МСҚ икки компонентдан иборат бўлиб, деривацион нуқтаи назардан улар деривация операндлари саналади. Биринчи компонент *When Eva opened the window*, иккинчи компонент *the room was filled with the scent of magnolia* эканлиги изоҳ талаб

<sup>2</sup>. Метод непосредственно составляющих. Трансформационный метод. <https://megaobuchalka.ru/2/38193.html>.



қилмайди. Мазкур компонентларнинг деривацион жараёнига алоҳида-алоҳида тўхталадиган бўлсак, қуйидаги формулани келтиришимиз мумкин:

I.

Туб структура – *opened (V)*

Таянч структура - *Eva opened (N+V)*

Ҳосила структура - *Eva opened the window (N+V+X)* оператор **мазмун.** (семантик оператор).

Ҳосила структура - *When Eva opened the window (N+V+X)* - оператор **When**

II.


Туб структура – *was filled (V)*

Таянч структура - *the room was filled (N+V)*

Ҳосила структура - *the room was filled with the scent (N+V+X)* оператор **with.**

Ҳосила структура - *the room was filled with the scent of magnolia (N+V+X)* - оператор **of.**

Мураккаб синтактик қурилма



Келтирилган схемада мураккаб синтактик қурилма операндларининг структураси қандай бевосита иштирокчи қисмларидан ташкил топгани ифодаланган. Мазкур БИ схемасига ҳамда МСҚ қисмларнинг юқорида берилган деривацион таҳлилига асосланадиган бўлсак,



ушбу МСҚнинг деривацион нуқтаи назардан умумий таҳлилини куйидагича кўрсатиш мумкин:

$P_1$  (Операнд)  $\xleftrightarrow{\text{When}}$   $P_2$  (Операнд) = D (Дериват)

Кўринадики, гарчи МСҚда **When** сўзи биринчи компонентнинг бошида келган бўлса-да, у иккита операндни боғлаб келмоқда ҳамда деривация оператори мақомини олмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Зиброва Н.В. Сложноподчинённые предложения в аспекте понятия синтаксического поля. Автореф. канд.дис. – Елец.2008. – 27 с.
2. Метод непосредственно составляющих. Трансформационный метод. <https://megaobuchalka.ru/2/38193.html>.
3. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1990, 60 б.
4. Erkinov, S. (2015). Regularities of professional military sphere in english. *SCIENTIFIC ENQUIRY IN THE CONTEMPORARY WORLD: THEORETICAL BASICS AND INNOVATIVE APPROACH*, 89.
5. Эркинов, С. Э. (2011). Семантико-тематический принцип изучения профессионализмов в английском языке (по данным лексики и фразеологии военной сферы). *Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета*, (5), 337-347.
6. Ибаев, А. (2021). Comparative syntactic devices as an object of language study. *Общество и инновации*, 2(8/S), 153-159.
7. Ибаев, А. Ж. (2021). КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(1-1).
8. Ибаев, А. (2021). Сравнительно-синтаксические примеры как объект изучения языкознания. *Общество и инновации*, 2(8/S), 153-159.